

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАЙҚАБИЛОВ ХУСНУДИН МАРДАНОВИЧ**

**ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ НОМЛАРИНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК  
ЖИҲАТЛАРИ ВА ТОПОНИМИК ТАҲЛИЛИ**

**11.00.01-Табиий география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2021**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
Географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
geographical sciences**

**Байқабиллов Хуснудин Марданович**

Жаҳон мамлакатлари номларининг табиий географик жихатлари ва  
топонимик таҳлили.....5

**Байқабиллов Хуснудин Марданович**

Анализ физико-географических свойств и топонимии стран мира.....  
..... 21

**Baykabilov Khusnudin Mardanovich**

The name analysis of natural-geographical conditions and toponymy of the names  
of countries of the world.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАЙҚАБИЛОВ ХУСНУДИН МАРДАНОВИЧ**

**ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ НОМЛАРИНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК  
ЖИҲАТЛАРИ ВА ТОПОНИМИК ТАҲЛИЛИ**

**11.00.01-Табиий география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2021 йил**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вақт Мажлиси хузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Gr45 рақам рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университети, Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот- таълим тармоғига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Нигматов Асқар Нигматуллаевич</b> география фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Абдулқосимов Али</b> география фанлари доктори, профессор <b>Ҳакимов Қўчқор Маҳкамovich</b> география фанлари номзоди
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат педагогика университети</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 03/30.12.2019.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» 09 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140104, Самарқанд ш, Университет киебони, 15 уй. Самарқанд давлат университети, Бош бино, 105-хона.Тел.: (+99866) 239-16-36, факс: (+99866) 239-19-38, e-mail: ik-geografiya2018@mail.ru.

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№48 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш, Университет киебони, 15 уй. Тел.: (+99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2021 йил «08» 08 кун тарқатилди.  
(2021 йил «08» 08 даги 18 - рақамли реестр баённомаси).



**С.Б. Аббасов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор.

**Б.А. Мелиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, география фанлари бўйича PhD.

**В.А. Рафиқов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси уринбосари, г.ф.д (DSc)

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда халқаро алоқалар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда географик номлар тобора кўпроқ иштирок этмоқда ҳамда улардан фойдаланишда географик номларнинг халқаро ва миллий стандарт тизимига зарурат ортмоқда. Инсоният тарихий тараққиётидан маълумки, аجدодларимиз ҳар бир жойни ўзига хос равишда номлашга интилишган. Шунинг учун ҳам жой номлари география, тилшунослик ҳамда тарихнинг ўрганиш объектларидан бири сифатида бетакрорийлиги, индивидуаллиги, қуйма маънодалиги, шаклан қисқалиги, даврийлиги ва уларда умуминсоний анъанаю қадриятларнинг ифодаланганлиги билан ажралиб туради. Топонимларни халқаро стандартлаштириш масалаларига БМТнинг Географик номлар бўйича экспертлар гуруҳи (UNGEGN), Халқаро ономастика фанлари кўмитаси (IGOS), Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) ва бошқалар томонидан катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, UNGEGN географик номларнинг кўп тилли халқаро маълумотлар базасини шакллантирган бўлиб, унда 200 дан ортиқ давлат номлари, 3362 та шаҳарлар ва уларнинг таркибидаги 6000 дан ортиқ номлар жойлаштирилган<sup>1</sup>. Ушбу халқаро маълумотлар базаси доимий тарзда такомиллаштирилиб, янгиланиб борилиши талаб этилади ва бу вазифани бажаришда жаҳон мамлакатлари доирасида топонимик тадқиқотлар олиб бориш ва географик номлар бўйича маълумотлар тўпланиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунё миқёсида мамлакатлар номларини халқаро ташкилотлар томонидан стандартлаштириш, уларнинг ёзилиши ва талаффузини қатъийлаштириш, ҳужжатларда ва хариталарда ҳамда бошқа ишларда номларнинг бир хиллигини таъминлашга оид муаммоларга устувор аҳамият берилмоқда. Жаҳон мамлакатларининг номланишида ҳам мавжуд табиий географик хусусиятлар билан биргаликда маънавий ва миллий қадриятлар ҳамда анъаналар у ёки бу даражада сўз (лексема) шаклида ўз муҳрини босганлиги табиий. Диссертация мавзуси топонимикада табиий географик хусусиятларнинг номшунослик билан ўзаро таъсири масалаларини ўрганишга ҳам йўл очади. Бу борада жаҳон ҳамжамияти билан алоқадор тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда «Таълим тизимида инновация ва креатив ёндашувлар асосида...»<sup>2</sup> жаҳон мамлакатлари номларини тўплаш, уларнинг номланиш асослари ва мотивланиш хусусиятлари, табиий географик ҳамда лисоний тузилишини таҳлил қилиш ишлари амалга оширилмоқда. “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва

<sup>1</sup> <https://unstats.un.org/unsd/geoinfo/geonames>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаати// Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. 2-бет.

генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни олдини олиш”<sup>3</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Жаҳон мамлакатлари номлари ҳамда уларнинг луғавий асосларини топонимик тадқиқ этиш ва ушбу жараёнда сўз(лар)нинг ном сифатида объект(лар)га кўчишига оид қонунларни белгилаш география ва топонимика (аниқроғи, ономастика) олдида турган муҳим назарий ҳамда амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 январдаги 40-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги:** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда, хусусан, Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистондаги топонимларнинг номланиш асослари, мотивлари, баъзи бир номларнинг изоҳи ва этимологиясига доир фикрларни илмий асосда тадқиқ қилиш XX асрнинг 60-йилларидан бошланди. Жой номлари топонимикаси бўйича Ўзбекистонда юзга яқин диссертация ҳимоя қилинган, бир неча монография ва жой номларининг изоҳли луғатлари нашр этилган. Аммо хорижий мамлакатлар номларининг табиий географик жиҳатлари ва топонимик таҳлили масаласи махсус монографик тадқиққа тортилмаган.

Жаҳон мамлакатларининг географик номларини ўрганишда A.Doza, G.Krae, M.Fesmer, E.Ekuoll, A.Smit, A.Rum, S.Mettyuz, A.Profouz, V.Tashitskiy, Y.Stashevskiy, V.Georgiyev, A.Nigmatov, L.Kish, G.Dragu, M.Olson, J.Styuart, N.Xolmer, J.Armstrong, A.Kardozu каби олимларнинг тадқиқот ишларини келтириб ўтиш мумкин.

Топонимиканинг умумий назарий ва методологик асослари МДҲ мамлакатларида географ олимлардан Э.М.Мурзаев, В.А.Жучкевич, Е.М.Поспелов<sup>4</sup>; тилшунос олимлардан Н.Н.Никонов<sup>5</sup>, А.В.Суперанская, В.Н.Топоров тадқиқотларида ўз аксини топган.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. <http://lex.uz/pages/getpege...>

<sup>4</sup> Поспелов Е.М. Школьный топонимический словарь. – М.: «Просвещение», 1988. – 224 с..

<sup>5</sup> Никонов.В.А. Краткий топонимический словарь. - М.: “Мысль”,1966. - 509с.

Ўзбекистон топонимиясини географик жиҳатдан ёритилишида Х.Ҳасанов, С.Қораев, П.Ғуломов, Қ.Сейтнийзов, М.Миракмалов, Қ.Ҳакимов<sup>6</sup>, Т.Нафасов, А.Маматов, Ю.Аҳмадалиевларнинг ишларини алоҳида қайд этиш мумкин.

Ўзбекистонда жаҳон мамлакатларининг номлари юзасидан ёзилган ишларнинг кўпчилигида уларнинг луғавий қатламларига оид фикрлар билдирилган. Бироқ бу қатламларга оид таҳлиллар ҳажман қисқа бўлиб, уларга оид айрим мулоҳазалар айтилган. Бу таҳлилларда жой номлари тавсифий мазмунда изоҳли талқин қилинган. Уларда топонимларнинг ясалиш хусусиятлари ва изоҳланиши ҳақидаги фикрлар устун. Ҳозиргача жаҳон мамлакатларининг номлари монографик тадқиқот тарзида махсус тадқиқ этилмаган. Сабаби, уларни тадқиқ қилишнинг усул, омил ва тамойил каби меъёрлари ўрганилмаган. Бу ҳол жаҳон мамлакатлари номларининг етарли тўпланмаганлигини, ўзига хос табиий географик, лисоний ва тарихий хусусиятлари мукамал тадқиқ этилмаганлигини, уларни топонимик тадқиқ қилишнинг меъёрий тизими махсус тадқиқот объекти бўлмаганлигини ҳамда номларнинг таҳлиллари, асосан, қайд этиш – тахмин – халқона талқин тарзида олиб борилганлигини, яъни тўлиқ яқунланмаганлигини англатади. Ҳолбуки, «Жаҳон мамлакатлари номларининг табиий географик жиҳатлари ва топонимик таҳлили» мавзусидаги диссертация муаммони аниқлаш – муаммони ўрганиш – тадқиқ - тахмин – талқин – таҳлил ва ечим шаклларида олиб борилиши мамлакатлари номланишининг табиий географик жиҳатлари, халқларнинг миллий-тарихий, миллий-маънавий қадриятларини узвий боғлиқликда ўрганишни кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги 295-сонли қарорига мувофиқ, топонимика соҳасида мутахассислар тайёрлаш белгиланган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда фақат ўз худудимизнинг жой номларини ўрганибгина қолмай, топонимикада жаҳон аренасидаги мавзуларни тадқиқ қилишимиз керак.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ №ОТ-Ф1-101-«Глобаллашув шароитида минтақалар иқтисодиёти рақобатбардошлиги ўсишига методологик ёндашувлар» мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жаҳон мамлакатлари номларининг табиий географик жиҳатларини асослаш ва уларнинг номланишида эҳтиёжини юзага келтирган омил ва усуллар ролини аниқлаш, мамлакатларнинг номланишига оид илмий-амалий асосланган топонимик тавсифини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

---

<sup>6</sup> Hakimov Q. Toponimika –T: «MUMTOZ SO'Z», 2016 -368 б.

жаҳон мамлакатлари номларини табиий географик хусусиятларининг мазмун ва моҳиятини очиб бериш, тадқиқот йўналишига мос услуб ва усулларни танлаш ҳамда такомиллаштириш;

табиий географияда топонимик тадқиқ методологиясининг назарий ва амалий асосларининг бир бутунлигини эътироф этган ҳолда уларни жаҳон мамлакатлари номланишларида қўлланишини таҳлил этиш;

топонимик қонуниятларнинг намоён бўлишини жаҳон мамлакатлари номланишлари мисолида илмий таҳлил этиш;

жаҳон мамлакатлари номланишининг табиий географик жиҳатларини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида жаҳон мамлакатлари ва уларнинг номлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** жаҳон мамлакатлари номларининг табиий географик жиҳатлари, таснифланиши, ҳудудий тарқалиш ва номланиш қонуниятлари саналади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида географик таққослаш, картографик, статистик, тарихий қиёслаш, қиёсий-лингвистик, этимологик таҳлил ва электрон дастурлаш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

илк бор жаҳон мамлакатлари табиий географик жойлашувига мувофиқ номланишида теллуракратия (куруқлик) ва талассократия (денгиз) гуруҳларидан ташқари мутлақо янги гуруҳ-инсулокротия (орол) мавжудлиги асосланган;

жаҳон мамлакатлари номларининг бир маъноли-моносемантик ва кўп маъноли-полисемантик хусусиятлари топонимик жиҳатдан аниқланган;

жаҳон мамлакатлари номларининг топонимик таснифи ҳудуд билан боғлиқ гуруҳлар, халқ билан боғлиқ гуруҳлар ва қисқартмали гуруҳлар асосида ишлаб чиқилган;

«Жаҳон мамлакатларининг қитъалар бўйича табиий географик ҳудудий тизими ва топонимик таснифи»ни даврий жадвали асосида таҳлилий-тизимли электрон каталоги яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жаҳоннинг сиёсий харитаси асосида жаҳон мамлакатларининг табиий географик ҳудудий тизими жадвал шаклида ишлаб чиқилган;

жаҳон мамлакатлари номларининг топонимик таснифий гуруҳлари тузилган;

топонимик тасниф асосида электрон каталоги яратилган;

топонимик тасниф асосида улардан самарали фойдаланиш бўйича муайян ҳудудларни тавсифловчи топонимик ва лингвистик ареал карта-схемалар тузилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация иши давлатлараро олинган янги статистик дастурлар ва маълумотлар асосида амалга оширилганлиги, тадқиқот натижалари хорижий илмий нашрларда чоп қилинганлиги, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги ва ваколатли идоралар томонидан тасдиқлангани, тадқиқот натижаларини



халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шу билан бирга Олий аттестация комиссияси томонидан белгиланган даврий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жаҳон мамлакатларининг табиий географик ва ҳудудий жойлашуви хусусиятларини аниқлашга имкон берувчи ва географик ахборот (информация) берувчи замонавий типдаги даврий тизим жадвали ва унинг электрон каталоги ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти асосий хулоса ва тасиялардан жаҳон мамлакатлари номларини миллий стандартлаштириш ва улардан келажакда географик ахборот дастурларини такомиллаштириш, шунингдек, мамлакатлар номларининг табиий географик жиҳатдан таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари ва услубларини белгилаш, топонимик ўқув қўлланма, монография ва дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жаҳон мамлакатлари номларининг табиий географик жиҳатларини топонимик таҳлил қилиш бўйича олинган натижалари асосида:

жаҳон мамлакатлари табиий географик жойлашувига мувофиқ даврий тизимларидан Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси амалиётида инсулокрatik гуруҳга кирувчи мамлакатлар билан яқин муносабатлар ўрнатишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2020 йил 24 февралдаги 01-07-369-сон маълумотномаси). Натижада, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш имконини берган.

жаҳон мамлакатлари номларининг топонимик жиҳатлари илмий китобхонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Фундаментал кутубхонаси ахборот-кутубхона хизматида фойдаланиш учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Фундаментал кутубхонасининг 2020 йил 13 мартдаги 42-сон маълумотномаси). Натижада, электрон каталог кутубхонасининг илмий ишлар ва электрон ресурслар фондини бойитиш ва топонимика билан шуғулланувчи илмий тадқиқотчиларга фойдали манба бўлиб хизмат қилган;

жаҳон мамлакатлари номларининг ҳудуд билан боғлиқ, халқ билан боғлиқ ва қисқартмали гуруҳларининг топонимик таснифидан «O'zbekiston tarixi» телеканалда жой номларини келиб чиқиши билан боғлиқ кўрсатувлар яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон телерадиокомпанияси «O'zbekiston tarixi» телеканалининг 2020 йил 13 мартдаги 02-40-595-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакат номларининг келиб чиқиши билан боғлиқ кўрсатувларни яратиш ва сценарийларда фойдаланиш имконини берган;

«Жаҳон мамлакатларининг қитъалар бўйича табиий географик ҳудудий тизими ва топонимик таснифи» электрон каталоги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2020 йил 26 февралдаги 01-07-391-сон маълумотномаси). Натижада, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини амалга оширишни янада кучайтириш, илмий ёндашувни такомиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 5 та халқаро ва 6 та (шундан 1 таси Ўзбекистон География жамиятининг X-съезди) республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, шундан 1 таси Scopus базасида нашр этилган. Мавзу доирасида 3 та халқаро муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномалари (сертификатлари) мавжуд.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг матн қисми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жаҳон мамлакатлари номларининг топонимик таснифи ва илмий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида «давлат» ва «мамлакат» тушунчаларининг таҳлили ва таснифланиши, жаҳон мамлакатлари номларининг ўрганилганлик даражаси ва илмий – методологик асослари таҳлил қилинган ва жаҳон мамлакатлари номларининг топонимик таснифий гуруҳлари тузилган.

Оммавий ахборот воситалари ва ўқув адабиётларида «давлат» атамаси билан бир қаторда «мамлакат», «маъмурий ҳудуд» сўзлари синоним сифатида ишлатилмоқда<sup>7</sup>.

<sup>7</sup> Нигматов А.Н., Байқабиллов Х.М. Давлатшунослик, мамлакатшунослик, ўлкашунослик: фан ва таълим муаммолари. «География ва география таълимидаги муаммолар». Респ.илмий-амалий конф., ТошДПУ, 2018. 377–382-б.

Географик адабиётларда давлат ва мамлакат атамалари турлича эканлиги тан олинган, лекин давлат ва мамлакат атамаларининг илмий таърифи, уларнинг белгилари ва тамойиллари акс этмаган. Шунингдек, география ва сиёсатшунослик фанларида қўлланиладиган «Давлат–миллат» тушунчасини фанга биринчи бўлиб француз олими Ив Лакост таклиф қилган<sup>8</sup>. Унинг фикрича, «давлат-миллат» типда аҳолисининг аксарияти бир миллатга мансуб бўлган давлатлар тушунилади. Лекин, дунёда шундай мамлакатлар борки, уларнинг номи яшаб турган миллат билан боғлиқ эмас. Шунинг учун ҳам давлат ва мамлакатлар номланишини фанда, жумладан, географияда алоҳида бир топонимик категория сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Чунки уларнинг номланиши муайян дунёқарашни акс эттириши мумкин. Маълумки, «дунёда нечта мамлакат бор?», деган ўринли саволга аниқ бир жавобни айтиш қийин. Буни мамлакатимизда кейинги ўн йилликда нашр этилган жаҳон мамлакатларига оид китоблардаги берилган маълумотларни қуйидаги жадвалдан билиб олиш мумкин. (1.1.2-жадвал)

#### 1-жадвал\*

#### Ўзбекистонда нашр этилган жаҳон мамлакатларига доир адабиётлар

№	Жаҳон мамлакатларига оид адабиётлар	Мамлакатлар сони
1	Горкин А. Дунё мамлакатлари. Энциклопедия.–Т.: «Давр нашриёти», 2013.–296 б.	196
2	Мамадалиев Р. Дунё мамлакатлари.–Т.: «Muharrir», 2012.–500 б.	219
3	Оммабоп география мазмун-моҳият, тушунча ва маълумотлар А.Н.Ҳожиматов ва бошқ.–Т.: «Zuhra Varaka biznes», 2017.–132 б.	209
4	Ражабов Қ, Қандов Б. Жаҳон мамлакатлари: илмий-оммабоп нашр.–Т.: «Янги нашр», 2015.–232 б.	249
5	Раҳматов Л. Дунё мамлакатлари: Австралиядан Ҳиндистонгача.–Т.: «Yangi kitob», 2019.–848 б.	238
6	Этнология: ўқув қўлланма/масъул муҳаррир А.Аширов.–Т.: «Янги нашр», 2014.–544 б.	224
7	Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 11-жилд. Қизилқумит- Хўрмуз.–Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» ДИН, 2005.–608 б. Зилова. 528-б.	196
8	Ҳазраткулов А. Жаҳон мамлакатлари: қисқа маълумотнома.–Т.: «Шарқ», 2006.–384 б.	222

\*Изоҳ: жадвал маълумотлари муаллиф томонидан тузилган.

Шунингдек, «мамлакат» ва «давлат» атамалари билан бир вақтда истеъмолда бўлган, синоним характердаги сўзларга изоҳ беришни жадвал кўринишда лозим топдик(2-жадвал):

#### 2-жадвал\*

#### «Давлат» ва «мамлакат» атамаларининг синоним сўзлари

Т/р	Синоним сўзлар	Қайси тилдан олинган	Маъноси
1	Ватан	Арабчадан	Кишининг туғилиб-ўсиб, яшаётган жойи
2	Диёр	Арабчадан	Яшаш жойи
3	Юрт	Туркий тилдан	Аҳоли яшаб турган жой
4	Ўлка	Туркий тилдан	Мамлакатнинг маъмурий-худудий бирликка эга

<sup>8</sup> Ҳасанов А. Геосиёсат – Т.: «Tamaddun», 2016. -528б.

			бўлган бирор қисми
5	Улус	Монголчадан	Бир катта жамоа, халқ, қабила ва уруғларнинг этник-сиёсий гуруҳи ҳамда улар яшаётган ҳудуд
6	Эл	Туркий тилдан	Маълум юртда биргаликда яшовчи аҳоли

\*Изоҳ: жадвал маълумотлари муаллиф томонидан тузилган.

Мамлакатларнинг мустақиллика эришиши ва муайян давлатларнинг бўлиниб, алоҳида давлат мақомига эга бўлиши суверен давлатлар сонининг ортишига, ёки аксинча, оролларда жойлашган баъзи мамлакатларнинг сув остида қолиши (табiiй офатлар сабабли) ҳамда мамлакатларнинг ўзаро бирлашуви (сиёсий сабабларга кўра) туфайли улар сонининг камайишига олиб келади. Демак, мамлакатлар сони суверен давлатлар сонидан ҳамиша кўп ва динамик (ўзгарувчан) хусусиятга эгалиги билан изоҳланади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда нашр этилган жаҳон мамлакатларига оид адабиётлар туркумига А.Ҳазраткулов (2006), Р.Маҳамадалиев (2012), Қ.Ражабов ва Б.Қандов (2015) ҳамда Л. Раҳматовларнинг (2019) маълумотнома китобларини киритишимиз мумкин. Бироқ, бу китобларда ҳам жаҳон мамлакатлари номларининг топонимик тадқиқи тўлиқ берилмаган ёки баъзи бир мамлакатлар номларининг маъносига қисқача тавсиф берилган, холос<sup>9</sup>.

Умумгеографик объектларни номлашда – хороним термини қўлланилади. Жаҳон мамлакатларини номлашда айнан умумгеографик таснифлаш талаблари жуда мос тушади. Хороним ёки Хоронома (грек тилида «*chóra*»– муайян чегара, мамлакат, «*ónoma*» – ном) маълум бир чегарага эга бўлган маъмурий ёки табiiй бирликлар номи деган маънони англатади. Жаҳон мамлакатларининг топономик таснифий гуруҳлашда тадқиқот объектининг *маъносига* қараб қисмларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

3-жадвал\*

### Жаҳон мамлакатлари номларининг топонимик таснифий гуруҳлари

<b>I. Ҳудуд билан боғлиқ ҳолатига кўра:</b>	
➤	<b>Хоротесионома</b> ( <i>thesi</i> – жойлашув) мамлакатнинг <b>географик жойлашув</b> маъносига кўра гуруҳи;
➤	<b>Хорофясикесонома</b> ( <i>fysikó</i> – табiiй) мамлакатнинг <b>табiiй шароитини</b> акс эттирувчи маъносига кўра гуруҳи;
➤	<b>хоросхимаонома</b> ( <i>schíma</i> – шакл) мамлакатнинг <b>ҳудудий шаклини</b> билдирувчи маъносига кўра гуруҳи;
➤	<b>Хороисториаонома</b> ( <i>istoría</i> – тарих) халқларнинг муайян <b>ҳудудга жойлашуви</b> тарихига кўра гуруҳи;
<b>II. Халқ билан боғлиқ ҳолатига кўра:</b>	
➤	<b>хороноикокриоонома</b> ( <i>noikokyrió</i> – хўжалик) маҳаллий халқнинг <b>хўжалик</b> юритиш маъносини англатишига кўра гуруҳи;
➤	<b>хороатомонома</b> ( <i>átomo</i> – шахс) халқнинг атоқли шахслари номини акс эттирувчи маъносига кўра гуруҳи;
➤	<b>хоропарелтонома</b> ( <i>parelthón</i> – ўтмиш) халқнинг <b>ўтмишини</b> акс эттирувчи маъносига кўра гуруҳи;
➤	<b>хороантропоусонома</b> ( <i>anthrórous</i> – халқ) маҳаллий халқнинг номини акс

<sup>9</sup> Жаҳон мамлакатлари: қисқа маълумотнома / масъул муҳаррир. А.Ҳазраткулов. – Т.: «Шарқ», 2006 – 384 б.

этирувчи маъносига кўра гуруҳи;
➤ <b>хоротрилусонома</b> ( <i>thrylous – афсона</i> ) халқ афсоналарини акс этирувчи маъносига кўра гуруҳи;
➤ <b>хорозтносонома</b> ( <i>ethnos – миллат</i> ) маҳаллий халқнинг ўзига хос миллий хусусиятини акс этирувчи маъносига кўра гуруҳи;
<b>III. Аббревиация</b>
➤ <b>хоросвнтомографианома</b> ( <i>svntomo – қисқартма</i> ) мамлакат номининг қисқартма шаклига кўра.

\*Изоҳ: жадвал маълумотлари муаллиф томонидан тузилган

Ҳар қандай таснифлаш мураккаб ва баҳсталаб масала. Жаҳон мамлакатларининг номларига оид таснифлаш ҳам бундан мустасно эмас, чунки мамлакат номлари турли-туман, уларни турларга ажратиш, ҳар бир номни тил қоидалари нуқтаи назардан, тарихий шаклланиши ва семантикасига қараб таҳлил қилиш мураккаб масала ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Жаҳон мамлакатлари номларининг табиий географик жиҳатлари**» деб номланган иккинчи бобида жаҳон мамлакатлари номларининг табиий географик хусусиятлари ҳудудийлик, даврийлик ва тизимли ёндашувлар асосида ёритиб берилган.

Табиий география ва геосиёсатда «Фундаментал дуализм» қонунига мувофиқ, барча давлатлар ва халқлар ўз ҳудудий географик тавсифига кўра иккита катта гуруҳга – қуруқлик (теллуократия) ва денгизга (талассократия) бўлинади. Бу гуруҳга ороллар қуруқлик ҳисобига киритилган бўлиши муқаррар. Лекин, бу етарли асосга эга эмас. Шунинг учун, оролларда жойлашган мамлакатларни юнонча номланишидан келиб чиқиб, учинчи гуруҳни таклиф этмоқчимиз ва у ўз навбатида инсулоқратия (орол мамлакатлар, яъни яхлит орол ва унга тегишли кичик ороллардан таркиб топиши назарда тутилмоқда) деб номланиши тарафдоримиз. Оролларда жойлашган мустақил суверен давлатлар ва мамлакатлар дунё сиёсий харитасида 80 дан ортиқни ташкил қилади (4-жадвал). Биз «Жаҳон мамлакатларининг табиий географик даврий тизими» жадвалини тузганимизда мамлакатларнинг табиий географик жойлашувини биринчи галда ҳисобга олдик.

4-жадвал\*

#### Жаҳон мамлакатларининг табиий географик жойлашуви

№	Йирик минтақалар	Мамлакатлар сони	Шундан		
			Денгиз ва океанлар бўйида жойлашган	Материк ичкарасида жойлашган	Оролларда жойлашган
1	Европа	50 (20,7 %)	27 (24,5 %)	15 (33,3 %)	7 (8,1 %)
2	Осиё	51 (21,1 %)	28 (25,5 %)	12 (26,7 %)	11 (12,8 %)
3	Африка	58 (24,0 %)	33 (30,0 %)	16 (35,6 %)	9 (10,5 %)
4	Америка	57 (23,6 %)	21 (19,1%)	2 (4,4 %)	34 (39,5 %)
5	Австралия ва Океания	26 (10,7 %)	1 (0,9 %)	-	25 (29,1 %)
	Жаҳон бўйича	242 (100 %)	110 (45,5 %)	45 (19,0%)	86(35,5 %)

\*Изоҳ: жадвал маълумотлари муаллиф томонидан тузилган

Африка мамлакатлари топонимик тасниф асосида қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1.Хоротесианома (географик жойлашув) - Ғарбий Саҳрои Кабир, Экваториал Гвинея, МАР, Марокаш, ЖАР, Жанубий Судан;

2.Хоросхимаонома (ҳудуд шаклига) - Жазоир, Жибути;

3.Хоросвнтомографияонома (мамлакат номининг қисқартмаси)-КДР, МАР, ЖАР;

4.Хорофясикесонома ( табиий шароит билан боғлиқ номлар):

А) Гидрографик: Габон, Гамбия, Замбия, Конго, Нигер, Сенегал, Чад, Эритрея;


В)Оронимик: Гана, Кабо-Верде, Кения, Комор ороллари, Кот-д Ивуар, Реюньон, Сьерра-Леоне, Танзания, Того, Намибия, Эфиопия;

С)Зоотопонимик: Мали, Камерун.

Юқоридаги гуруҳлаштиришдан кўриниб турибдики, Африка қитъасида 31 та мамлакатнинг номида ҳудудийлик ва табиий географик унсурлар ўз аксини топган.

МАМЛАКАТЛАРНИНГ ТОПОНИМИК ТАСНИФИ  
АСОСИДА АРЕАЛЛАРГА АЖРАТИЛИШИ

- ХОРААТОМОНОМА
- ХОРААНТРОПОУСОНОМА
- ХОРАПАРЕЛТОНОМА
- ХОРАФЯСИКЕСОНОМА



МАМЛАКАТЛАР ТАРТИБ  
РАҚАМИ

1. Аргентина
2. Боливия
3. Бразилия
4. Венесуэла
5. Гайана
6. Колумбия
7. Парагвай
8. Перу
9. Суринам
10. Уругвай
11. Фолькленд (Мальвин) ороллари
12. Француз Гвианаси
13. Чили
14. Эквадор

МАМЛАКАТЛАР НОМЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК АРЕАЛЛАРГА АЖРАТИЛИШИ		
I	Аргентина Боливия Венесуэла Колумбия Перу Эквадор	ИСПАН ТИЛИДА
II	Бразилия	ПОРТУГАЛ ТИЛИДА
III	Гайана Фолькленд (Мальвин) ороллари	ИНГЛИЗ ТИЛИДА
IV	Суринам	АРАВАКЛАР ТИЛИДА
V	Чили	АРАУКАН ТИЛИДА
VI	Парагвай Уругвай Француз Гвианаси	ТУПИ - ГУАРАНИ ТИЛИДА

Масштаб 1: 30 000 000

1-расм. Жанубий Америка мамлакатларининг топонимик  
ареал харита-схемаси







Жаҳондаги мамлакатлардан 8 тасининг номи кимёвий элементлар номларида ҳам учрайди.

XX аср ва XXI асрнинг дастлабки ўн йилликларида 60 га яқин мамлакат у ёки бу даражада номи билан ўзгаришга учради. «Жаҳон мамлакатларининг табиий географик даврий тизими» жадвал тариқасида беришда «Муайян давлат таркибидаги маъмурий-худудий тузилмага эга мамлакатлар»ни инобатга олмадик. Чунки улар сонининг кўплиги ва мақомининг тез ўзгарувчанлиги жадвалнинг географик таълим ва фандаги амалий аҳамиятини камайтиради ҳамда ноаниқликларга олиб келиши муқаррар.

Диссертациянинг учинчи боби «**Жаҳон мамлакатлари номларининг топонимик таҳлили**» деб номланиб, унда жаҳон мамлакатлари номларининг моно ва полисемантик топонимик жадвали тузилган, этнотопонимлар ва мамлакатлар номларида миллий ўзлик ҳамда жаҳон мамлакатларининг номларини миллий стандартлаштириш ва тўғри фойдаланиш масалалари тадқиқотлар асосида ўрганилган.

5-жадвал

### Топонимикада географик объектларнинг номланиши

<b>I. Гидронимлар</b>			
<i>(Сув билан боғлиқ бўлган барча географик объектларнинг атоқли номлари)</i>			
<b>Т/р</b>	<b>Сув объектлари</b>	<b>Лексемаси</b>	<b>Маъноси</b>
1.	Океаноним	Oceanos – чексиз сув	Океан ва денгизлар ҳамда уларнинг қисмлари номлари
2.	Потамоним	Potamos – дарё	Дарёларнинг номлари
3.	Лимноним	Limen – кўл	Кўл ва сув ҳавзаларининг номлари
4.	Гелоним	Gelos – ботқоқ	Ботқоқликларнинг номлари
5.	Гляционим	Glyacios – музлик	Музликларнинг номлари
6.	Батионим	Boti – чуқурлие	Океан ва денгизлар тагида жойлашган чуқурликлар номлари
7.	Инсулоним	Insula – орол	Оролларнинг номлари
8.	Анемоним	Anemos – шамол	Шамол, тайфун, циклон ва бўронларнинг номлари
<b>II. Ойконимлар</b>			
<i>(Аҳоли яшаш манзиллари билан боғлиқ бўлган жой номларининг атоқли номлари)</i>			
<b>Т/р</b>	<b>Жой номлари</b>	<b>Лексемаси</b>	<b>Маъноси</b>
1.	Астионим	Astios – шаҳар	Шаҳарларнинг номлари
2.	Комоним	Komos – қишлоқ	Қишлоқ ва овулларнинг номлари
3.	Агороним	Agora – майдон	Майдон ва хиёбонларнинг номлари
4.	Годоним (Дромоним)	Dramos – йўл (кўча)	Кўчаларнинг номлари
5.	Урбоним	Urb – шаҳар	Шаҳар ичидаги турли хил объектларнинг номлари
6.	Ойкодомоним	Oykos – бино	Бино ва иншоотларнинг номлари
7.	Дримоним	Drimos – дарахт	Ўрмон ва боғларнинг номлари
8.	Агроним	Agros – дала	Дала ва экинзорларнинг номлари
<b>III. Хоронимлар</b>			
<b>Т/р</b>	<b>Худуд номлари</b>	<b>Лексемаси</b>	<b>Маъноси</b>
1.	Хороним	Xoros – мамлакат	Мамлакат ва ҳар қандай худудга қўйилган атоқли номлар

Тадқиқот ишимизда дунёдаги мавжуд мамлакатларнинг номларини географик аспектда тарихийлик ва лингвистик нуқтаи назардан моно ва полисемантикасини жадвал кўринишида яратдик.

Мазкур жадвалнинг мақсади – географик таълимни инновацион характерга эга қилиш учун жаҳон мамлакатлари номларининг моно ва полисемантик топонимик жадвали орқали мамлакатларга доир топонимик маълумотлар базасини яратиш, номларининг маъноси ва келиб чиқиши, уларнинг маъносига кўра моно(бир) ва поли(кўп) семантик тавсифи ва топонимик таҳлилинини жадвал тариқасида ишлаб чиқиш ҳамда унинг электрон версиясини яратиш.

Мазкур кўргазмали ахборот воситаси ҳисобланмиш «Жаҳон мамлакатлари номларининг моно ва полисемантик топонимик жадвали» барча тадқиқотчилар ва ўқувчилар учун илмий-амалий манба десак муболаға ҳисобланмайди.

«Жаҳон мамлакатлари номларининг моно ва полисемантик топонимик жадвали» ўзбек тилида яратилди. География фанида жаҳон мамлакатларининг номлари ва уларнинг маънолари топонимик яхлит тарзда ягона жадвал асосида тузилмаган.

«Жаҳон мамлакатлари номларининг моно ва полисемантик топонимик жадвали» горизонтал 6 та катاكلарга ажратилган. Катакларда дастлаб мамлакатларнинг тартиб рақами, мамлакатларнинг номи, қайси тил асосида шаклланган ва пайдо бўлганлиги, маъноси (моно ва полисемантик таҳлил асосида), топонимик бирлиги, мамлакатнинг аввалги номи (эпитет номи) акс эттирилган.

Жадвалдаги барча мамлакатлар минтақаларга ажратилиб, алоҳида китъалар асосида уларнинг номлари ўзбек кирилл алфавити тартибида рақамланган. «Жаҳон мамлакатлари номларининг моно ва полисемантик топонимик жадвали» да қуйидаги топонимик терминлардан фойдаланилди:

1. Эпитет номлар - мамлакатларнинг сифати номи (лақаб- номлар);
2. Эпотопоним – мамлакат номининг турли хил предметлар номида акс этиши ёки аксинча ва ҳоказо.

Шу ўринда қайд этишимиз зарурки, республикамизда жаҳон мамлакатлари номларининг ёзилиши, талаффузи ва аталиши шакллари стандартлаштириш, яъни дунёнинг сиёсий харитаси, географик атлас, илмий асарлар, дарсликлар ҳамда оммавий ахборот воситаларида (ОАВ) бирхилликда ёзилиши ва аталишини таъминлаш масъулиятли вазифа ҳисобланади. Баъзан мамлакатларнинг номлари ОАВ материалларида бошқача, дарсликларда тубдан бошқа шаклда талқин этилади. Францияни баъзи бир журналистлар Фарангистон тарзида ёки Германияни Олмония деб «ўзгача руҳда» талаффуз этишади. Баъзи бир жаҳон мамлакатларининг номлари икки сўздан (Янги Зеландия, Янги Каледония, Жанубий Судан, Кабо-Верде ва бошқалар), учта сўздан (Америка Қўшма Штатлари, Бирлашган Араб Амирликлари, Папуа-Янги Гвинея, Жанубий Африка Республикаси, Марказий Африка Республикаси ва бошқалар) таркиб топган.

Баъзи мамлакатларнинг номлари рус тилида нашр қилинган хариталарда умуман бошқа ном билан ёзилади. Мисол учун, Миср Араб Республикаси рус тилида Египет, Жазоир – Алжир, Сурия – Сирия, Арманистон – Армения, Туркманистон – Туркмения, Яман – Йемен, Ҳиндистон – Индия деб ёзилади ва талаффуз этилади. Баъзи бир мамлакатларнинг ҳудудий жойлашуви унинг аталиши билан узвий боғлиқ. Айниқса, оролларда жойлашган мамлакатлардан аксарияти алоҳида ажратиш («ороллари» сўзини қўшиб айтмасак) ва талаффуз этиш тил меъёрларига риоя қилмагандек ғалати кўриниш олади: Аланд ороллари, Фолькленд (Малвин) ороли, Фарер ороллари, Антил ороллари ва ҳоказо. Аксинча, Куба, Ямайка, Мартиника, Шри-Ланка, Тонга, Фижи сингари орол мамлакатларига номнинг ўзи кифоя, «ороллари» сўзини қўшмасак ҳам моҳияти ўзгармайди.

Қўшалок номга эга жаҳон мамлакатлари ҳам дунёнинг сиёсий харитасида кўплаб учрайди. Уларга Антигуава Барбуда, Тёркс ва Кайкос, Тринидад ва Тобаго, Сан-Томе ва Принсипи, Уоллис ва Футуна, Босния ва Герцеговина каби мамлакатлари киради. Бундай турдаги мамлакатларга тарихий бирлашиш ва ажралиш хос бўлиб, маълум бир сиёсий сабаб туфайли мустақил бўлишлари тарихдан маълум. Демак, мамлакатларнинг номи ёзилиши, талаффуз этилиши, аталиши (номланиши) ҳар-хилликдан иборат. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, республикамиз таълим тизимида жаҳон мамлакатлари номларининг миллий стандартлаштириш (халқаро расмий номи асосида) лозим деб ҳисоблаш мумкин.

Жаҳон мамлакатларининг номлари геосиёсатда «ҳудуд номланиши» категорияси сифатида геосиёсий макон тасаввурлари тизимига киритилган. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, ҳудуднинг номланиши ўзида муайян дунёқарашни акс эттириши мумкин.

## ХУЛОСА

Диссертацияда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги асосий хулосалар шакллантирилди:

1. «Давлат» ва «мамлакат» тушунчалари синоним сифатида ишлатилса-да, уларнинг ўртасида муайян фарқлар мавжуд. «Давлат» тушунчаси, биринчи навбатда, тегишли ҳудудда ўрнатилган сиёсий ҳокимият тизимини билдирса, «мамлакат» тушунчаси кўпроқ маданий ва умумгеографик омиллар мажмуига тегишлидир. Давлат бўлиш учун тўрт омил – халқ, ҳудуд, ҳукумат ва суверенитет бирлиги талаб этилади.

2. Тадқиқот мавзуимизнинг асосий объекти сифатида «мамлакат»ни географияда ҳудуднинг ижтимоийлашуви каби тарихий тараққиёт қадрияти сифатида белгилаш лозим топилди. «Мамлакат» - бу асосан географик тушунчадир. Мустамлака ҳудудлар ҳам мамлакат сифатида талқин қилинади.

3. Жаҳоннинг сиёсий харитаси географик хариталар орасида энг тез ўзгарувчан хусусиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Жаҳон минтақаларида юз бераётган турли сиёсий жараёнлар маълум маънода унинг миқдорий ўзгаришига ва номланишига таъсир кўрсатади.

4. Номлар географик объектларга ўз-ўзидан, стихияли(режасиз) тарзда қўйилавермайди. Уларнинг номланишида табиат ва жамиятнинг уйғунлигига мувофиқ келадиган, муайян ҳудудларда яшаган ва яшаётган аҳолининг турмуш тарзи, руҳияти, этнографияси, номланиш даврида мавжуд бўлган тилни ўзида акс эттирадиган қонун-қоидаларга амал қилади.

5.Ўзбекистон миллий энциклопедиясининг жаҳон мамлакатларига бағишланган мақолаларига «мамлакатларнинг номланиши», «пойтахт шаҳарларининг этимологияси(келиб чиқиши)» каби рубрикаларини киритиш керак.

6.Мамлакатлар номларининг табиий географик жиҳатларини ҳудудийлик асосида таҳлил этганда, энг аввало мамлакатларнинг (қитъалар бўйича) географик жойлашуви ва табиат элементларига (сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тупроқ, иқлим, об-ҳаво хусусиятлари, тоғ ва рельеф тузилиши) мувофиқ ҳолда қарийб 120 таси (жаҳондаги барча мамлакатларнинг 50%) номланганини эътибор қаратилди.

7. Жаҳондаги мамлакатларнинг номи даврий ўзгаришга албатта учрайди. Бу тарихий воқелик билан боғлиқ ҳолда кечади. XX аср ва XXI асрнинг дастлабки ўн йилликларида 60 га яқин мамлакатнинг номи ўзгаришга учради. Жаҳон мамлакатлари номларининг лексик-стратиграфик қатлами жадвал кўринишида тузилди.

8. «Жаҳон мамлакатларининг табиий географик даврий тизими» кўргазмали ахборот воситаси ҳисобланиб, илмий ижодий фаолият маҳсулоти сифатида илк бор жаҳон давлатлари ва маъмурий-ҳудудий бирликлар мамлакат мақомида таснифланди, унинг асосида табиий географик қонуниятлари очиб берилди ва ахборот коммуникацион маълумотлар базаси ўзига хос жадвал ва инфографика кўринишида акс эттирилди.

9. Жаҳон бўйича 43 та мамлакатнинг номи этнонимлар асосида шаклланган. Кўп миллатли мамлакатларда ўз давлатларига ном берган асосий миллат билан бу мамлакатларда истиқомат қилувчи этник озчилик ўртасидаги ўзаро дўстлик муносабатлари ички сиёсий барқарорлик ва миллий ҳавфсизликнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлиб қолаверади.

10. Жаҳон мамлакатлари номини расмий ҳужжатларда нотўғри ёзиш ва номлаш, улар ўртасидаги дипломатик, маданий ва иқтисодий алоқаларга путур етказиши мумкин. тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни киритамиз:

жаҳон мамлакатлари номларини миллий стандартлаштиришда жаҳон мамлакатларининг умумий рўйхати (номенклатураси) аниқ сонда ифода этилиши зарур;

жаҳон мамлакатлари номларининг миллий стандарти халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган ва БМТ томонидан амал қилинадиган умумий принципларга мос бўлиши керак;

жаҳон мамлакатлари номларининг рўйхати ўзбек адабий тилининг меъёрий талабларига мувофиқ тузилган бўлиши керак;

мамлакат ва давлатлар номларини расмий ҳужжатларда нотўғри ёзиш ва номлашга умуман йўл қўймаслик зарур;

мамлакат номи - бу қадрият. Биз бу қадриятни мактаб ўқувчиларига география таълими орқали сингдириб боришимиз керак.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**БАЙКАБИЛОВ ХУСНУДИН МАРДАНОВИЧ**

**АНАЛИЗ ФИЗИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИХ СВОЙСТВ И ТОПОНИМИИ  
СТРАН МИРА**

**11.00.01 - Физическая география**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)  
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд-2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.3.PhD/Gr45.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете, Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице samdu.uz, по адресу (www.ziyounet.uz) информационно-образовательного портала «ZiyouNet».

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Нигматов Аскар Нигматуллаевич</b> доктор географических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Абдужосимов Али</b> доктор географических наук, профессор <b>Хакимов Кучкор Махкамович</b> кандидат географических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский государственный педагогический университет</b>

Защита диссертации состоится «13» 09 2021 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании ученого совета DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г.Самарканд, ул. Университетский бульвар, 15. Главный корпус, аудитория 105, Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-16-36, факс: (+99866) 239-19-38; E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован за №48). Адрес: 140104, г.Самарканд, ул. Университетский бульвар, 15. Тел.: (+99866) 233-60-87.

Автореферат диссертации разослан «30» 08 2021 года.  
(Реестр протокола рассылки №15 от «26» 08 2021 года).



**С.Б. Аббасов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.г.н., профессор

**Б.А. Мелиев**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
PhD по географическим наукам

**В.А. Рафиков**  
Заместитель председателя научного  
семинара при Научном совете по  
присуждению ученых степеней  
д.г.н.(DSc).

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность диссертационной темы.** Во всем мире в международных связях и отношениях между государствами все большее участие принимают географические названия и увеличивается необходимость в системе международного и национального стандартов их использования. Из истории развития человечества известно, что наши предки стремились дать своеобразное наименование каждой местности. Поэтому наименования местностей в качестве одного из объектов изучения географии, языкознания и истории выделяются своей неповторимостью, индивидуальностью, слитностью смысла, краткостью форм, периодичностью (циклическостью) и отражением в них общечеловеческих традиций и ценностей.

Группа экспертов Организации Объединенных Наций по географическим названиям (UNGEGN), Международный совет ономастических наук (ICOS), Международная организация по стандартизации (ISO) и другие уделяют большое внимание вопросам стандартизации географических названий. В частности, UNGEGN сформировала многоязычную базу данных по географическим названиям, в которой размещены названия более, чем 200 стран, 3362 городов и более 6000 наименований, которые входят в их состав<sup>10</sup>. Данная международная база данных требует постоянного совершенствования и обновления, в решении данной задачи важное значение приобретает осуществление топонимических исследований и сбор сведений о географических названиях в рамках стран мира.

В мировом масштабе преобладающее значение приобретают проблемы, имеющие отношение к стандартизации названий стран международными организациями, их строгому написанию и произношению, обеспечению одинакового их использования в документах и на картах. Естественно, что, наряду с существующими в наименовании стран мира природными географическими особенностями, в той или иной степени свой след в виде слов (лексем) также оставили духовные и национальные ценности и традиции. Тема диссертации открывает также путь к изучению вопросов взаимодействия физико-географических особенностей с ономастикой. В связи с этим уделяется особое внимание осуществлению исследований, связанных с мировым сообществом в целом.

В нашей стране осуществляется деятельность по сбору наименований стран мира, анализу основ получения ими таких названий и особенностей побудивших к этому мотиваций, их физико-географической и языковой структуры «на основе инноваций в системе образования и креативных подходов...»<sup>11</sup>. В «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах» определены важные

<sup>10</sup> <https://unstats.un.org/unsd/geoinfo/geonames>

<sup>11</sup> Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису// <https://uza.uz/ru/posts/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-23-12-2017>



задачи по “предотвращению экологических проблем, наносящих урон состоянию окружающей среды, здоровью и генофонду населения”<sup>12</sup>. Стоящие перед географией и топонимикой такие проблемы, как исследование наименования стран мира и их языковых основ, определение закономерностей переноса слова (слов) в качестве названия на объект(ы), имеют важное теоретическое и практическое значение.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, УП-5850 от 21 декабря 2019 года “О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка”, постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 40 от 29 января 2020 года “О мерах по организации деятельности комиссии по терминам при Кабинете Министров Республики Узбекистан” и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VIII. «Науки о земле»

**Степень изученности проблемы.** Научное исследование основ, мотивов наименований топонимов, объяснение и этимологии некоторых наименований в Центральной Азии, в частности в Узбекистане, началось с 60-х годов XX века. Защищено около ста диссертаций, издано несколько монографий и толковых словарей, посвященных топонимике наименования местностей. Однако вопрос физико-географических особенностей и топонимического анализа наименований зарубежных стран не был подвергнут специальному монографическому исследованию.

Изучение географических названий стран отражено в исследованиях таких ученых, A.Doza, G.Krae, M.Fesmer, E.Ekuoll, A.Smit, A.Rum, S.Mettyuz, A.Profouz, V.Tashitskiy, Y.Stashevskiy, V.Georgiyiev, A.Nigmatov, L.Kish, G.Dragu, M.Olson, J.Styuart, N.Xolmer, J.Armstrong, A.Kardozu.

Общетеоретические и методологические основы топонимики отражены в работах таких географов стран СНГ, как Э.М.Мурзаев, В.А.Жучкевич, Е.М.Поспелов<sup>13</sup>; языковедов Н.Н.Никонова<sup>14</sup>, А.В.Суперанской, В.Н.Топорова.

В освещении топонимии Узбекистана в географическом аспекте особое значение имеют работы таких ученых, как Х.Хасанов, С.Кораев, П.Гуломов,

---

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. <http://lex.uz/pages/getpege...>

<sup>13</sup> Поспелов Е.М. Школьный топонимический словарь. – М.: «Просвещение», 1988. – 224 с..

<sup>14</sup> Никонов.В.А. Краткий топонимический словарь. - М.: “Мысль”,1966. - 509с.

К.Сейтниязов, М.Миракмалов, К.Хакимов<sup>15</sup>, Т.Нафасов, А.Маматов, Ю.Ахмадалиев.

